

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБИДАЛАРИНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАССАСАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ
ТАРИХИДАН**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-8>

**Абриев Рўзикул Бўронович,
Самарқанд давлат университети доценти**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда маданий-мерос объектларини муҳофаза қилиш давлат муассасаларининг ташкил қилиниши тарихи илмий тарзда ёритилган.

Калит сўзлар: декрет, меъморий, қўмита, мерос, ёдгорлик, архитектура.

**ИЗ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ
ОХРАНЫ ПАМЯТНИКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Абриев Рузикул Буранович,
доцент Самаркандского Государственного Университета**

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещена история создания государственных учреждений охраны объектов культурного наследия в Узбекистане.

Ключевые слова: декрет, архитектурный, комитет, наследия, памятник, архитектура.

**FROM THE HISTORY OF ESTABLISHMENT OF CULTURAL HERITAGE
PROTECTION INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN**

**Abriev Ruzikul,
Associate Professor, PhD,
Samarkand State University**


ANNOTATION

This article covers the history of the establishment of public institutions for the protection of cultural heritage in Uzbekistan.

Key words: decree, architecture, command, heritage, monument, architecture.

Асрлар давомида маданиятлараро мулоқот марказларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида илм-фан ва бошқа соҳалар билан бир қаторда, шаҳарсозлик маданияти ҳам қадимдан ривожланиб, такомиллашиб келган. Турли тарихий даврларда вайронгарчиликлар келтирган истилолар ҳам минтақанинг динамик ривожланишига тўсқинлик қила олмаган.

Марказий Осиё ҳудудида кечган турли тарихий жараёнлар, табиий-иқлим ўзгаришлари ва инсон фаолиятининг таъсири натижасида XX аср охирига келиб ислом дини қабул қилингунгача бўлган бой маданий мерос ҳамда ўрта асрлар



даврининг анча кўп қадимги меъморий иншоотларининг катта қисми қолдик, хароба кўринишидагина сақланиб қолган.


Ҳар қандай давлатнинг таракқиёти ундаги шаҳарлар таракқиёти билан узвий боғлиқдир. Йирик урбанистик марказларни ажратиб турувчи жиҳат – монументал архитектура иншоотларининг кўплаб қурилиши нафақат янгиларининг бунёд этилиши билан, балки мавжудларини сақлай билиши ва фойдаланиш учун тайёрлиги билан ҳам боғлиқ.

Сақланиб қолган ноёб маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ишлари XX аср бошига келиб давлат ихтиёрига олина бошланди. Ушбу объектлар 1920 йилдан бошлаб ташкил қилина бошлаган ёдгорликларни муҳофаза қилувчи махсус давлат органи тасарруфига ўтказила бошлади. Ушбу орган вазифасини дастлаб Туркистон Республикасининг Архив ишлари бўйича марказий бошқармаси қошида ташкил қилиниб, 1920 йил 30 январдан ўз фаолиятини бошлаган тарих ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилувчи махсус кўмита вақтинча бажарган эди. Туркесублика раҳбариятининг 1921 йил 23 майдаги махсус Декрети асосида Кўмита мустақил давлат органига –музейлар ва ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича Туркистон кўмитаси (Туркомстарис)га айлантирилган [1.68].

Совет ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий масалада олиб борган сиёсати ушбу кўмитанинг ташкилий ва тузилмавий фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Натижада Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегараланишидан кейин 1925 йилдан бошлаб ушбу ташкилот Туркомстарис ёдгорликлар ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) номини олди. Кўмита янги тузилган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда жойлашган ёдгорликларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва қайта таъмирлаш ишларига масъул бўлди. 1929 йилдан эса Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг № 501-сонли Қарори билан Средазкомстарис ўрнига Қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон кўмитаси сифатида қайта тузилди (ва Узкомстарисга айлантирилди)[2.3].

Фаолиятининг дастлабки даврида ушбу ташкилотнинг вазифалари доираси кенг бўлмай, мамлакатимиз микёсида археологик ёдгорликларни ҳисобга олишдан иборат бўлган. Ўша даврда мамлакат иқтисодий аҳволи оғирлиги ҳамда реставрация ишларига доир қоидалар (нормалар) тайёр эмаслиги туфайли ёдгорликларни муҳофаза қилиш органлари меъморий ёдгорликлар бутунлай вайрон бўлишини олдини олишга қаратилган зарур таъмирлаш ишларини амалга ошириш билан чекланган. Бу даврда ёдгорликларнинг реставрацияси ва консервацияси билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг илмий асосини яратиш ҳақидаги масала эндигина кўтарила бошлаган эди.

Таъкидлаш жоизки, ўша вақтларда меъморий обидаларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишларининг оммавий асосда йўлга қўйилишига коммунистик партиянинг «умумий тенглик»ка эришишни мақсад қилиб олган сиёсати тўсқинлик қиларди. Социалистик ўзгаришларни назарда тутган «революцион рух» – янги ва эски шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқ қилиш ҳамда уларни тенглаштиришга,




шунингдек, дин ва қадриятларга қарши қаратилган ғояларнинг, айниқса, совет ҳокимиятининг ҳукмронлиги дастлабки ўн йилликларида кўплаб қадимий шаҳарсозлик намуналари бузилишига олиб келди. Ушбу радикал ғоялар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарларига ўнглаб бўлмас зарар етказди [3.35].

Аста-секинлик билан тарихий обидалар борасида илмий реставрация ва амалиёт тажрибаси ортиб борди ва бунинг натижасида меъморий ёдгорликларни сақлаш билан боғлиқ бир қатор мураккаб муҳандислик-конструктив ва меъморий масалаларни ҳал қилиш имкони туғилди. Бу даврга келиб республикамизда соҳа мутахассисларининг янги иқтидорли авлоди шакллана бошлади. Улар дастлабки илмий экспедицияларни ташкил этиб, кўплаб тарихий-маданий, археологик ва архитектура ёдгорликларини аниқлаб, давлат ҳисобига ола бошладилар. Ҳисобга олиш ва қайд этиш ҳужжатларини тузиш ва тизимлаштириш ҳам 1920–1930 йиллардан бошланди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли туманларида жойлашган меъморий обидаларни реставрация ва консервация қилишнинг дастлабки илмий асосланган лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам шу даврга тўғри келди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларига келиб Ўзбекистонда фаолият олиб борган меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилувчи давлат органи учун ташкилий ва тузилмавий ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди. 1943 йилда Узкомстарис ташкилоти бекор қилиниб, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошида Меъморчилик ишлари бўйича бошқарма тузилди, бошқарма қошида эса Меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўлими фаолият кўрсата бошлади. Кейинги амалиёт далолат беришича, ушбу таркибий ўзгариш кўплаб тарихий ёдгорликлар йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Бунинг боиси шундаки, архитектура ишлари қўмитаси ўзининг асосий фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида, асосан, уй-жой ва бошқа ижтимоий-иқтисодий объектларни қуриш ишларига эътибор қаратди. Ўтган асрнинг 50–60-йилларида қўмитанинг марказдаги раҳбар ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган бош лойиҳаларда тарихий шаҳарларда ҳам янги бинолар қурилиши назарда тутилган, аммо ушбу амалиётни аҳолининг анъанавий яшаш манзилларида амалга ошириш кўзда тутилган эди [3.36].

Республикадаги Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларда аҳоли уй-жойлари ёдгорликларга яқин ерларда жойлашганини ҳисобга олсак, бу амалиёт қадимги биноларга зарар етказиши аниқ эди. Хусусан, режа бўйича олиб борилган ишларнинг кенг кўламда амалга оширилиши натижасида Самарқанддаги меъморий ёдгорликларнинг ён-атрофи уларнинг асл қиёфасига путур етказадиган иншоотлар – таълим муассасалари, маданият саройлари, кинотеатрлар ёки кўп қаватли бинолар билан тўлдириб ташланди.

Умуман олганда, агар ўша даврда давлатнинг иқтисодий-молиявий имкониятлари чекланмаган бўлганида шаҳарларнинг бош лойиҳаларида кўзда тутилган ишлар тўлиқ амалга оширилганда, кўпгина тарихий-меъморий обидалар ҳозирги кунгача етиб келмаган бўларди. Боз устига, ёдгорликларни муҳофаза қилувчи



ташкilotларнинг ҳам молиявий имкониятлари, кадрлар билан таъминланиш даражаси ўта аянчли аҳволга тушиб қолган эди.

Вужудга келган вазият республикада маданий ёдгорликларни сақлаш билан боғлиқ ташкilotлар фаолиятида ислохот қилишни тақозо этган. Шу боис республикамизнинг бир қатор жонкуяр зиёлилари ташаббуси билан 1957 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 557-сонли қарори билан Моддий маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитети ташкил этилди [2]. Комитет қошида кенгаш тузилиб, унинг таркибига Я. Ғуломов, М. Массон, Т. Қори-Ниёзий, Г. Пугаченкова каби соҳа мутахассислари киритилди. Кенгаш қисқа вақт фаолият олиб боришига қарамай (1957–1961 йиллар), унинг ёрдамида Ўзбекистондаги мавжуд тарихий ва маданий ёдгорликларнинг кўпчилигида маълум таркибий қисмини сақлаб қолиш, айримларида эса таъмирлаш ишларини ривожлантириш, уларни илмий ўрганиш, республикада реставраторлар мактаби ишини янада жонлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Муҳими шундаки, ушбу ташкilotда фаолият олиб борган мамлакатнинг нуфузли олимлари саъй-ҳаракатлари бесамар бўлмади, балки келгусида республикада маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган меросни сақлаш борасидаги ишларга ижобий таъсир этди.

1968 йилда республикамизда маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар учун муҳим воқеа юз берди – «Маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ҳақида» қонун қабул қилинди [2.4]. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, бу ҳужжат собиқ Иттифоқ даражасидаги ана шундай қонундан 8 йил олдин қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ республика ҳукумати томонидан унинг қўлланишига доир йўриқнома, моддий маданият ёдгорликларни қўриқлаш зоналари ва улар атрофида бинолар қурилишини тартибга солиш ҳақидаги низом, Ўзбекистон ҳудудида археологик қазилмалар ва қидирув ишларини амалга ошириш ҳуқуқи борасидаги йўриқнома тасдиқланди. Шу билан бирга, 1968 йил 30 августда Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан илгариги Қўмита Ёдгорликлар ва тасвирий санъатни муҳофаза қилиш бош бошқармасига айлантирилди [2.4].

Умуман олганда, ёдгорликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун обидаларни йўқ бўлиб кетиш ёки қасддан бузиб ташланишдан ҳимоя қилибгина қолмай, республикада ёдгорликларни муҳофаза ва реставрация қилиш ишлари янада такомиллашувига ҳам хизмат қилди. Ҳамма жойда тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва ҳисобга олишга оид меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, Республика ҳукумати 1975 йилдан бошлаб уларнинг муҳофазаси учун ажратиладиган маблағ ҳажмини сезиларли даражада кўпайтирди. Бу эса ёдгорликларни ҳимоя қилиш органларига ўз фаолиятини янада кучайтириш имконини берди ва шу туфайли республикада барча кўчмас ёдгорликларни қайта рўйхатга олиш ишлари амалга оширилди. Давлат муҳофазасига олинган ёдгорликларнинг янги рўйхати тузилди [2.5].

Давлат муҳофазасига олиш, таъмирлаш ва консервациялаш ишлари кўламининг ортиб бориши ягона бошқарув органи ташкил этилишини тақозо этди. Шу мақсадда, 1979 йил 24 февралдан Ўзбекистонда маданий ёдгорликларни муҳофаза қилувчи давлат тизими – Ўзбекистон ССР КП Марказий комитети ва

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 149-сон Қарори билан Маданият ёдгорликларини бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси (ГлавНПУ) тузилди. Кейинчалик унинг таркибида лойиҳалаш институти, илмий-реставрация ишлаб чиқариш ташкилотлари, шу жумладан, меъморий ёдгорликларни реставрация қилиш, консервациялаш, уларнинг декори бўйича ноёб ишларни бажаришга ихтисослашган реставрация устахонаси ҳам ташкил қилинди. Бош бошқармага кўчмас ва кўчадиган маданият ёдгорликларини сақлаш ва муҳофаза қилиш, тасвирий ва монументал санъатни ривожлантириш, музей ва кўргазма ишларини ташкил қилиш вазифалари юклатилди.

Аммо, юқорида қайд этганимиздек, давлат даражасида маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар қилинишига қарамай, узоқ йиллар давомида ҳукм сурган нигилизм ва уй-жой қурилишига бир томонлама оммавий ёндашув оқибатида кўплаб архитектура ёдгорликлари бузиб ташланди. Шаҳарларнинг бош режаларини тузишда тарихий-меъморий қўриқхоналар лойиҳалаштирилмай, уларни сақлаб қолиш режаларига кирмай қолган. Ушбу аянчли ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Иттифоқнинг бошқа кўплаб тарихий шаҳарларида ҳам кузатилди.

Собиқ Иттифоқ даврида қўлга киритилган ижобий ютуқларга нисбатан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан маданий меросга бўлган ғоявий-мафкуравий ёндашувнинг зарарли таъсири кўпроқ сезилди. Минглаб тарихий обидалар «революцион» ўзгаришлар таъсирида бузиб ташланди, қолганларининг аксарияти эса таҳқирланди, маданий мерослиги инобатга олинмади, улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш оммалашди.

Кўпгина масжиду мадрасалар ёпилди, айримлари молхона ва омборхоналарга айлантирилди, ачинарлиси – нураб вайрона ҳолига келди.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, маданият ёдгорликларига ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Биринчидан, мамлакатимизда миллий ўзликни англаш, тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш йўлида чексиз имкониятлар туғилди. Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг совет мафкураси ва унинг ғоявий қолипларидан халос этилиши, ошкоралик ва хурфикрлилик туфайли илгари сохталаштириб келинган тарихни тиклаш, уни ҳаққоний ва холисона ёритиш учун катта имкониятлар яратилди. Учинчидан, тарихий ҳақиқатни тиклаш ва уни халққа етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ҳамда бу борада улкан ишларни амалга оширишга киришилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Шишкин В.А. К истории изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб. –Ташкент: Фан, 1969.
2. ЎМВ МЁБИИЧБ ЖА. Политика государства по сохранению памятников в Узбекистане.
3. Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920–1990 гг.) // Строительство и архитектура Узбекистана. 1990. № 8.